



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 6 октябрь, чоршанба • №80 (11.675) • Эркин нархда сотилади

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 октябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Линкольн Блумфилдни қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида ҳамкорлик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги Афғонистонда мустақам тинчлик ва барқарорликнинг қарор топишига ҳам боғлиқ экани қайд этилди. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистоннинг сиёсий ва

иқтисодий тикланиши йўлида ҳамкорликда талай ишларни амалга ошираётир.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама ҳамкорлиkning бугунги аҳволи ва истиқболларига, минтақавий хавфсизликка, халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

Шу куни Л. Блумфилд Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва мудофаа вазири Қ. Фуломов билан ҳам музокаралар ўтказди.

Ў.А.

• Пахта – 2004



Қўшимча чоралар белгиланди

Вилоят пахта штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, ички ишлар ва адлия бошқармалари, «Кучлик» ва «Пахта» нефть маҳсулотлари унитар корхоналари, қишлоқ ва сув хўжалиги мажмуида кирувчи бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Штаб аъзолари туман ҳокимларининг пахта йиғим-теримининг бориши ҳамда 2005 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экишининг бугунги аҳволи ҳақидаги ахборотларини тингладилар.

Вилоят бўйича 109,6 минг гектар пахта майдонининг бешдан уч қисмида биринчи терим якунланди. Ўртача ҳосилдорлик 20-21 центнерга тўғри келмоқда.

Юқоричирчиқ, Чиноз, Оққўрғон туманларида пахта терими ҳар томонлама оқилона ташкил этилаётгани сабабли терим суръати пасаймай, қунига йиллик режанинг 4-5 фоизи миқдорда хом ашё тайёрлашга эришилмоқда.

Бирок, об-ҳаво қулай бўлиб турганига қарамай, айрим туманларда терим суръати пасай-

тириб юборилди. Масалан, Бекобод туманида кунлик суръат 2,5 фоизга тушиб кетди. Янгийўл, Қуйичирчиқ, Пскент, Ўртачирчиқ туманларида вилоят бўйича ўртача даражадан кам миқдорда пахта тайёрланмоқда.

Шунингдек, йиғилишда 2005 йил учун кузги ғалла экишининг аҳволи ҳам атрофлича муҳокама этилиб, уруғликни белгиланган муддатларда сифатли экиб олишга, пахта йиғим-теримида кунлик суръатни пасайтирмасликка қаратилган қўшимча чоратadbirlar белгиланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Қорасув»:

Режа – биринчи теримда

Ўртачирчиқ туманидаги йирик ва иқтисодий барқарор «Қорасув» ширкат хўжалиги давлатга пахта сотиш шартнома режасини вилоятда биринчилардан бўлиб, қисқа муддатда бажарди. 894 гектар майдондан кечга кунгача 2356 тонна сифатли хом ашё йиғиштириб олинди. Ўртача ҳосилдорлик 26,4 центнерданга тўғри келди.

Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликда биринчи теримнинг

ўзидаёқ режа ортиғи билан адо этилди. Қабул пунктларига етказиб берилган ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинди.

Даврон Ёрбеков, Олим Рўзиев, Қозокбой Абдуназаров бош пудратчи бўлган майдонларда ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 32-38 центнерга етди. Айрим оилавий пудратчилар бунданда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар.

Режа бажарилган бўлса-да, хўжаликда кунлик терим суръати пасайгани йўқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бу йил хўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 35 центнердан ошади.

Мўл ҳосил етиштирган ва йиғим-теримни оқилона уюштирган бошқа қатор хўжаликлар ҳам бирин-кетин шартнома режаларини бажармоқдалар. Жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон», Чиноз туманидаги «Дўстлик» ва Навоий номи, Ўртачирчиқ туманидаги Охунбоев номи ширкат хўжаликлари режага қўшимча ҳосил топишишни давом эттирмоқдалар.

Икки палатали парламент:

ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Конференцияда сиёсатшунослар, парламентаризм соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи олимлар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарлари, хорижий

дипломатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар, Бельгия, Германия, Хиндистон, Польша, Россия, АҚШ, Туркия,

(Давоми 2-бетда).

Вилоят сайлов комиссиясида

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи Вилоят сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси С. Қурбонқулов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Неъмат Рўзматович Ақромов Вилоят сайлов комиссияси раисининг ўринбосари, Баҳринисо Очиловна Жўрақулова комиссия котиби этиб сайланди.

Мажлисида Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларнинг таквим режаси тасдиқланди. Шунингдек, Вилоят сайлов комиссияси аъзо-

лари ўртасида вазифалар тақсими келишиб олинди. Кун тартибдаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Вилоят сайлов комиссияси Тошкент шаҳар Миробод тумани Мовароуннаҳр кўчаси 15-уйда жойлашган Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси биносининг 4-қаватида фаолият юритиши белгиланди. Сайловларга тааллуқли масалалар бўйича Вилоят сайлов комиссиясининг 133-29-92 рақамли телефони орқали батафсил маълумот олиш мумкин.

Нафосат ва гўзаллик байрами

Спортнинг энг гўзал, нафис турларидан бири – бадий гимнастика. Тошкентда ўтган «Шарқ гўзали-2004» халқаро турнирида бу яна бир бор ўз исботини топди. Осиёда биринчи марта ўтказилган Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларини Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Республика бадий гимнастика федерацияси, Миллий олимпия кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Халқ таълими вазирлиги ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

Беминнат хизмат

Оҳангарон шаҳридаги «Дадажон» хусусий клиникаси Меҳр ва мурувват йилида ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг турли касалликларга чалинган аъзоларига бепул ёки 50 фоиз арзонлаштирилган тартибда тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Йўлдош Охунбоев номи маҳалла кўмитаси билан тузилган икки томонлама шартнома бунга ҳуқуқий асос яратди. Бундай беморлар маҳалла кўмитаси тавсияси билан шифохонага ётқизиляпти. Малакали шифокор Умаржон Худоёров бошлиқ тиббиёт ходимларининг беминнат муолажаларидан маҳалла аҳли беҳад миннатдор бўлмоқда.

Ю. ЖУМАНИЕЗОВ.



Қарор ва ижро

Орзуси ушалган йигитлар

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунига кўра ҳар йили баҳор ва куз мавсумида йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 сентябрдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақурув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар мудофаа ишлар бошқармаларида, шаҳар ва ту-

ман қақурув пунктларида саралаш ишлари қизгин паллага кирди.

– Вилоят қақурув комиссияси аъзолари Ватан ҳимоясига отланган йигитларнинг оилавий шароити, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини синчиклаб ўрганмоқда, – дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси қақурув йиғини бошлиғи, подполковник Бахтиёр Иброҳимов. – Мала-

кали шифокорлар кўриғи ва бошқа синовлардан муваффақиятли ўтган 64 нафар йигит яқин кунларда муддатли хизматни ўташ учун тантанали равишда ҳарбий қисмларга кузатилади.

– Берилган тест синовларидан муваффақиятли ўтдим. Орзуми ушалаётганидан хурсандман, – дейди олмалиқлик Умид Мирзааҳмедов. – Йигитлик бурчимни чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ўтайдиган бўлдим.

– Мактаб ва коллежда яхши ўқиганим, спорт билан мунтазам шуғулланганим ўз самарасини берди, – деди ўрта чирчиқлик Илҳом Ҳилолиддинов. – Тез кунда Термизга жўнара эканмиз. Ҳарбий хизматда ҳам спорт билан шуғулланишни қанда қилмайман.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Нафосат ва гўзаллик байрами

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида икки кун давом этган ва 1 октябрь кунни ҳоёсига етган мусобақада дунёнинг 12 мамлакатидан 29 спортчи қатнашди. Улар Озарбайжон, Беларус, Грузия, Исроил, Ҳиндистон, Қозоғистон, Ҳитой (Тайпейи), Қирғизистон, Малайзия, Польша, Россия ва албатта Ўзбекистон бадий гимнастикаси вакиллари эди. Оригинал дастурлари билан гиламга чиққан деярли барча

ўринга лойиқ деб топилди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг фикрича, ўзбек спортчилари кўрсатган натижалар уларнинг маҳорати тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Кучли ирода, ғалабага интилиш ва энг мураккаб ҳаракатлар ижроси Ўзбекистон гимнастикачилари катта салоҳиятга эгалигини ва келгусида янада юқори марраларни забт эта олишини кўрсатади.

Гимнастикачиларимиз тур-



гимнастикачилар юксак спорт маҳорати, тасма, ҳалқа, тўпни аъло даражада ўйната олиши, мушқани ҳис қилиши, нафис ва гўзал ҳаракатлари билан минглаб ишқибозларни лол қолдирди. Мусобақа бадий гимнастиканинг барча ихлосмандлари учун ҳақиқий ёшлик ва спорт байрамига айланди.

Кўпқураш якунлари бўйича биринчи ўринни россиялик машҳур гимнастикачи, Афинадаги XXVIII Олимпия ўйинлари олтин медали соҳибаси Алина Кабаева эгаллади. Жаҳон кубоги босқичининг қумуш медалини Қозоғистон вакили Алия Юсупова, бронза медали эса яна бир россиялик спортчи Ольга Капранова қўлга киритди. Ўзбекистонлик гимнастикачи Олеса Ашаева 5-ўринни эгаллади. Тўп ўйнатиш якунларига кўра эса О.Ашаева иккинчи, булавалар билан чиқишларда учинчи

(Давоми. Боши 1-бетда).

ли халқаро мусобақаларда кўплаб ғалабаларга эришган. Венера Зарипова, Алина Кабаева, Елена Холодова, Яна Батиршина каби кўплаб танқили спортчилар ғалаба сари қўйган биринчи қадамларини айнан Ўзбекистон заминидан ташлаган. Бу ерда бутун дунёда эътироф этилган бадий гимнастика мактаби шаклланиган. Сўнгги йилларда мамлакатимиз спортчилари спортнинг бошқа турларида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари, Афинадаги Олимпия ўйинлари натижалари бундан яққол далолат беради. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган авлоднинг спортга оммавий жалб этишга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Мунтазам ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» мусобақалари ва Универсиадаларда мактаб,



коллеж ва лицей ўқувчилари, талабалар нафақат яхши спорт натижалари, балки юксак салоҳиятни ҳам намойиш этмоқда. Улар бу салоҳиятдан фойдаланиб, ҳар қандай халқаро мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олади.

«Шарқ гўзали-2004» турнири спорт оламида кўплаб янги номларни кашф этиб, катта воқеага айланди, деб таъкидлади ғолибларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Халқаро гимнастика федерацияси бош қотиби Андре Гайсбулер. У Халқаро гимнастика федерацияси номидан мусобақа ташкилотчилари, ҳакамлар, тренерлар ва барча иштирокчиларга Тошкент турнири ҳақиқий Олимпия руҳида – адолатли кураш, одил ҳакамлик ва ғалабага интилиш муҳитида ўтказилгани учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон бадий гимнастика федерацияси президенти Л.Каримова бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларини ёпиқ деб эълон қилди.

«Шарқ гўзали-2004» ғолиблари ҳамда ёш гимнастикачиларнинг кўргазмалари чиқишлари байрамга якун ясади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев, С.Иномова иштирок этди.

ЎЗА.

Икки палатали парламент:

ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Украина, Франция, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг давлат ва ноҳукумат тузилмалари вакиллари иштирок этдилар.

26 декабрда мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентга, шунингдек, виллоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон ўз истиқлолининг илк кунларидан демократия йўлини танлади, деб қайд этилди конференцияда. Ҳокимиятнинг барча бўғинлари фаолияти аниқ мувофиқлаштирилди, амалга оширилаётган ислохотларнинг қонунчилик базасини шакллантириш борасида Олий Мажлис самарали иш олиб борди.

Ўтган йиллар мобайнида парламент фаолиятининг муайян тажрибаси тўпланди, деб таъкидлади Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. Икки палатали парламентга ўтилиши Ўзбекистонда демократик ҳукуқий давлат қурилиши йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш мутлақо янги асосда, бугунги воқелик ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Бунинг учун амалдаги сайловга оид қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди, қатор янги қонунлар қабул қилинди. Сайловлар демократик, очиқ ва ошқора ўтиши учун барча чоратadbирлар қўрилди. Уларда сиёсий партиялардан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши ҳам сайловлар ҳаққоний ўтишига ёрдам беради.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда парламент ислохотининг боришини, бўлғуси икки палатали парламент конституциявий-ҳуқуқий базасини таҳлил этди ва уни бошқа мамлакатлар қонунчилиги билан таққослади, республикаимиз олий қонунчилик органи ишини янада такомиллаштириш йўллари хусусида фикр алмашдилар. Олий Мажлис палаталарини шакллантириш усуллари ва уларнинг ваколатлари, қонунларни ишлаб чиқишда сиёсий фракциялар иш-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тирокининг механизми муҳокама этилди.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари конференция қатнашчиларини дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги парламент тизимлари, бу соҳадаги халқаро меъёр ва стандартлар билан батафсил таништирди. Жумладан, анжуманда ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нормарк, Конрад Аденауэр номидаги жамағарманинг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича минтақавий вакили Аня-Мария Кэссер, АҚШ Миллий матбуот маркази вице-президенти Питер Жеймс Хикман, Япония парламенти Юқори палатаси режалаштириш ва келишув офиси директори ёрдамчиси Ясуо Накаучи, Ҳиндистоннинг Жавахарлал Неру номидаги университети профессори Нирмала Жоши, Польша Сейми депутати Кшиштоф Оксюта, Россия Фанлар Академияси Халқаро иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар институти катта илмий ходими Елена Кузьмина ва Россия стратегик тадқиқотлар институти катта илмий ходими Аждар Куртов, Украина Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биринчи проректори Нина Нижник ва Украина Президенти ҳузуридаги Миллий стратегик тадқиқотлар институти сиёсий стратегия бўлими мудир Виталий Паламарчук, Тожикистон Марказий сайлов комиссияси қотибияти мудир Мухибилло Додожонов, Қирғизистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси Женишбек Акматов ва бошқа давлатлардан келган сиёсий таҳлилчи ва экспертлар сўзга чиқдилар.

Анжуман якунида парламент ишини янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Конференция қатнашчилари Олий Мажлис фаолияти билан танишдилар.

Сайлов кампанияси доирасида бўлғуси сайловларга бағишланган яна қатор конференция ва семинарлар ўтказиш мўлжалланган. Чунончи, 7-8 октябрда Тошкентда «Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатлар» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Иссиқхона хўжаликлари:

Ривожланиш истиқболлари

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Ўзбекистон шароитида француз иссиқхоналари – янги технологиялар» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Унда Франциянинг «Ришел», «Мэйленд», «Дозатрон» каби бир қатор компаниялари вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси минтақаларида фаолият кўрсатаётган иссиқхона хўжаликлари мутахассислари иштирок этди.

Конференция иштирокчилари «Француз иссиқхоналари – замонавий технологиялар, ҳамкорлик имкониятлари ва истиқболлари», «Инвестиция имкониятлари ва кредитлаш шартлари», «Иссиқхона шароитларида қишлоқ хўжалик экинла-

рини парваришлашнинг ўзига хос жиҳатлари, Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқадиغان имкониятлари ва мавжуд муаммолар» каби долзарб мавзуларда ўзаро фикр алмашдилар.

Конференция сўнггида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Конференция иштирокчилари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Sof havo, tiniq suv, toza tuproq uchun!



Tabiat va inson

Toshkent viloyati tabiatni muhofaza qilish qo'mitasi sahifasi

Биздан меҳр кутмоқда

Вилоят табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозирлари жорий йилнинг ўтган даврида «Ўзбекистон Республикасининг «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларининг бажарилишини назорат қилишни изчил давом эттирдилар.

Шу даврда вилоятда ўта хавфли юқори даражада ифлосланишга олиб келадиган бир йўла ва аварияли ҳолатларга йўл қўйилмади. Ходимларимиз барча шаҳар ва туманларда экологик вазиятни яхшилаш ва унинг барқарорлигини сақлаб қолишга қаратилган муайян ишларни амалга оширдилар. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши томонидан тасдиқланган режа жадваллари асосида кенг кўламда текшириш ишлари олиб борилди. Ҳаммаси бўлиб 258 та корхона ва ташкилотдаги экологик ҳолат кўрикдан ўтказилди. Текшириш натижалари кўпчилик корхона ва ташкилотларда табиятни муҳофаза қилиш қонун талаблари у ёки бу тарзда бузилганлиги маълум бўлди. Шундай ҳолатлар 240 та корхона ва ташкилотларда аниқланди.

Албатта, бундай ўзибўларчиликка йўл қўйган, қонун талабларига амал қилишдек муҳим кўрсатмаларга амал қилмаган, табиятни ифлослантиришда айбдор бўлган шахсларга нисбатан турли даражада жазо чоралари кўрилди. Атроф-муҳит мусаффолигини ифлослантиришга йўл қўйган 267 нафар шахсга нисбатан турли миқдордаги жарима солинди. Бундай жарималар ҳажми 1 миллион 835,1 минг сўмни ташкил этди. Унинг 1 миллион 742,2 минг сўми ундириб олинди. Жазоланганлар орасида мансабдор шахслар 148 нафарни ташкил этди. Бевосита уларга солинган жарима миқдори сал кам 1 миллион 377 минг сўмга этди. Бундан ташқари, табиятга кўп миқдорда зарар келтиришда айбдор бўлганларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди. Чунончи, 36 нафар шахсга 15 миллион сўмликдан кўпроқ тоvon тақдим этилди. Унинг 11,6 миллион сўми ундириб олинди.

Текширишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Экологларимиз бу масалада ҳам қатъийлик кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўтган даврда берилган кўрсатмаларнинг учдан икки қисмидан кўпрогининг бажарилишига эришилди. Қолганларини ҳам рўёбга чиқариш учун тинимсиз кураш олиб борилмоқда.

Умуман вилоятда экологик вазиятни тартибга солиб туришнинг асосий омилларидан бири барча табиятдан фойдаланувчилар томонидан атроф-муҳитга ташланадиган ифлослантирувчи моддалар ва чиқиндиларни жойлаштиргани учун қоплама тўловлардир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили шу масала юзасидан қабул қилинган 199-сонли қарори асосида корхона ва ташкилотлар билан мазкур қоплама тўловлари келишиб олинмоқда ва ундириляпти. Ҳозиргача 363 та корхона-ташкilotлар билан келишувга келинди. Улар йил давомида табиятни ифлослантирганлари учун 246,2 миллион сўм қоплама тўловлари тўлайдиган бўлишди. Шундай қилиб, табиятни муҳофаза қилишга лоқайдлик билан муносабатда бўлганлиги учун қонунбузарларга солинган тоvonлар қоплама тўловлар билан қўшиб ҳисобланганда жорий йилнинг биринчи ярмида 353,7 миллион сўмни ташкил этди ва бу маблағ маҳаллий жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушди. У асосан табиятни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш учун сарфланмоқда. Жумладан, табиятни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармаси ҳисобидан вилоят ҳокимлигига атроф-муҳит мусаффолигини яхшилаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун 48 миллион сўм ажратилди. Болалар спортини

(Давоми 4-бетда).



Юртимиз дурдонаси

Бўстонлиқни шундай деб аташлари бежиз эмас, албатта. Унинг табияти ўзининг жозибаси, гўзаллиги билан киши ақлини шоширади. Викорли пасту баланд тоғларининг салобати, ям-яшил ўрмонлари, дарёлари, зилол жилғала-

ри ва булоқлари ҳар бир кишини ҳайратга солади, унда ажойиб ҳис-туйғулар уйғотади. Жамоатчи сураткаш мухбиримиз Александр Аблянов олган ушбу лавҳада бу масканнинг мафтункор гўшаларидан бирини кўриб турибсиз.

• Ҳамкорлик

Муаммо ҳал қилинди

Табиятни муҳофаза қилиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида тумандаги «Қишлоқхўжаликкимё» бошқармасида бўлганимизда, муҳим ишга бефарқ қаралаётганлигини кўриб ҳайрон қолдик.

Бу бирлашма бир вақтлари вилоят қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашга мўлжалланган захарли кимёвий моддаларни хўжаликларга етказиб бериш билан фаол шуғулланган. Ҳозирги вақтга келиб, унинг иш ҳажми кескин камайиб кетди. Шунга қарамай, эски

захарли моддалар идишлари йўқ қилинмай, ҳамон сақлаб келинаётганлиги маълум бўлди. Чунончи, бу ерда бир вақтлар ўта захарли модда — «нитрофен» сақланган бўш темир идишлар 20-25 йилдан бери йўқотилмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, 150 килограмм миқдорда ҳар хил

кимёвий пестицид ва гербицид моддалари ҳам сақланган. Улар, айниқса, нитрофен кўп йиллар давомида ўзининг захарли кучини йўқотмайди.

Шуни ҳисобга олиб биз бошқарма раҳбарлигидан бундай ўта захарли моддалар ва улар солинган идишларни зудлик билан йўқ қилишни талаб этдик. Бу кўрсатмамизга панжа орасидан қаралгани, бирлашма раҳбарларининг лоқайдлиги ва бепарволиги туфайли ушбу масалани ҳал этиш

пайсалга солинди. Шундан кейин биз туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ёрдамга чақирдик ва улар билан биргаликда бошқарма раҳбариятидан муаммони бартараф этишни яна бир бор талаб қилдик ва бевосита ушбу масалани ҳал қилишда қатнашдик. Натижада 2000 донага яқин нитрофен идишлари ва ҳар хил қоплардаги 150 килограмм кимёвий моддалар Навоий кимё завоидига утил-лаштириш учун топширилди. Шундай қилиб туманимиздаги яна бир экологик муаммо ҳал этилди.

**Э. ҚАХҲОРОВ,
О. МАМАЗИЁЕВ,
Зангиота тумани Табиятни
муҳофаза қилиш қўмитаси
давлат нозирлари.**

Қисқа сатрларда

• Вилоят корхоналари томонидан капитал маблағ талаб қилмайдиган нисбатан кичик ҳажмдаги табият муҳофазасига қаратилган ўнлаб ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун 451,1 миллион сўм сармоя сарфланди. ***

• Вилоятда атроф-муҳитнинг мусаффолигини яхшилашга қаратиб бажарилган ишлар туфайли атмосфера ҳавоси ва сув манбаларини ифлослантириш муайян даражада қисқарди. Жумладан, ҳавога чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори 3,4 минг тоннага камайди. Очiq сув ҳавзаларига ташланаётган ифлосланган оқавалар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 миллиард 200 миллион куб метрга озайди.

Клинкер чанги ушлаб қолинапти

«Охангаронцемент» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятида экологик ҳолатни яхшилаш мақсадига қаратилган чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Корхонадаги тегирмонлардан чиқаётган клинкер чанги атроф-муҳитни муайян даражада ифлослантиришга сабаб бўларди. Жамият раҳбарлиги бошқа техник тадбирлар қаторида бундай нуқсоннинг олдини олишни режалаштирди. Уни амалга ошириш йўлидаги изланишлар бекор кетмади. Чангни ушлаб қолишнинг арзон ва оддий усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун сувдан фойдаланиш маъқул деб топилди. Шу мақсадга қаратилган махсус мослама куриб, ишга туширилди.

Уни ишлатиш яхши самара берапти. Клинкер чанги тарқалиши деярли тўла барҳам топди ва ишлаб чиқариш цехида экологик ҳолатни яхшилашга олиб келди.

Биздан меҳр кутмоқда

ривожлантиришга йўналтирилган маблағ эса 15 миллион сўмни ташкил этди. Кўмитамиз вилоятдаги биологик фабрикалар ишини яхшилаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишга муттасил ёрдам бермоқда. Бу йил ҳам шундай муҳим ишдан четда қолмадик. Уларга 5 миллион сўм маблағ билан ёрдам кўрсатилди. Вилотимизнинг Янгиобод худуди кўп даражада ифлосланган минтақалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, жорий йилда бу ерда атроф-муҳит мусоффолигини кучайтириш ва табиатни соғломлаштиришга маҳаллий жамғармамиз-ҳисобидан

(Давоми. Боши 3-бетда).

15 миллион сўм сарфладик. Маълумки, қатор корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳамон табиат қўйнида жойлаштирилмоқдалар. Чиқиндиларни камайтириш ва уларни қайта ишлашни кенгайтириш давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Шу йўлда изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, кўмитамиз чиқиндиларни қайта ишлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун 10 миллион сўм маблағ берди.

Умуман мамлакатда, шу жумладан, вилотимизда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иш-

ри дастури тўғрисида»-ги қарори экологик вазиятни яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда. Вилотимизда шу қарорни бажариш юзасидан ҳамда корхоналарда капитал маблағлар ҳисобидан деярли 1,6 миллиард сўмлик 34 та тадбирни амалга ошириш режалаштирилган эди. Ярим йилликда бу режа ортиги билан адо этилди. 26 та тадбир рўёбга чиқарилиб, бунинг учун 2 миллиард 350 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундай салмоқли тадбирлар Олмалик кон-металлургия комбинатида, Чирчиқдаги «Электрхимсаноати» очик акциядорлик жамиятида ва бошқа айрим корхона-ташкилотларда амалга оширилди.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш катта-кичик ишларнинг бажарилиши натижасида вилот бўйича атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, очик сув ҳавзаларига оқизилаётган ифлосланган сув миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли камайди.

Айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида назарда тутилган қатор ишлар бажарилмади. Чунончи, Янгиобод минтақасини соғломлаштириш, маиший чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш, «Эко-транснаторат» постларини куриш каби тадбирлар амалга ошмади. Бу асосан маблағ ажратилмаётганлиги билан изоҳланади. Ходимларимиз бундан кейин ҳам ўз билимлари, куч ва тажрибаларини зиммамиздаги вазифаларни тўла бажаришга сафарбар этидилар.

Тургун ЭРГАШЕВ,
вилот табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси.

Муносабат

Бўка тумани корхоналари, ташкилотлари ва ҳўжаликлари жамоалари туман табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан бу йил нишонланган аънавий 5 июнь – Умумжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси М. Ҳолиқова қўйидагиларни гапириб берди:

– Икки ойлик давомида табиатни муҳофаза қилишнинг муҳимлигини аҳолининг барча қатламлари орасида тушунтиришга алоҳида эътибор берилди. Аввало, ўсиб келаётган авлод вакиллари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини анча кучайтирдик. Ҳамма мактабларда «Табиат ва инсон» мавзусида танлов уюштирилди. Танловнинг биринчи босқичида мактаблар олти гуруҳга бўлиниб, ҳар бирида тўққизтадан мактаб ўзaro беллашишди. Биринчи босқичда ҳар бир гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган мактаблар туман марказидаги маданият саройида танловнинг финал қисмида экология соҳасидаги ўз билимларини синаб кўрдилар. Унда 7-мактабнинг «Покиза», 12-мактабнинг «Замин», 16-мактабнинг «Ёш авлод», 34-мактабнинг «Ёш эколог», 39-мактабнинг «Экология», 51-мактабнинг

Самарали ўтди

«Лочин» гуруҳлари иштирок этди. Танловда 7-мактабнинг «Покиза» гуруҳи биринчи ўринни, 12-мактабнинг «Замин» гуруҳи иккинчи ўринни, 34-мактабнинг «Ёш эколог» гуруҳи учинчи ўринни эгаллади. Совринли ўринларни олган мактаб жамоалари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Туманимиз барча қишлоқларида, аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида, шаҳарда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Унда экологларимиз ҳам фаол қатнашдилар. Улар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ишларининг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтирдилар, қатор маҳаллаларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказдилар.

Кўмитамиз томонидан «Тоza ҳаво» тадбири ҳам давом эттирилди. Туман ДАН ходимлари билан биргаликда олиб борилган тадбирда 21 та шахснинг автоуловлари ҳавога меъеридан ортик зарарли газ чиқарганлиги учун улар умумий миқдори 114 минг 240 сўм жаримага тортилдилар.

«Тоza ҳаво» тадбири амалда

Биринчи босқич якунлари

Вилоят ҳудудида жойлашган автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи, уларга техник хизмат кўрсатувчи ва ёнилғи қуйиш шаҳобчаларида «Тоza ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

У вилот ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (ИИБ ЙХХБ), давлат санитария-эпидемиология назорат маркази (ДСЭНМ) ва «Ўзнеф-тгазозорат» ходимлари билан биргаликда олиб борилди. Шаҳар ва туманлар кўчаларида бу муҳим тадбирни тарғиб қилувчи шиорлар ўрнатилди, ташкилотлар, корхона, муассаса ва маҳаллаларда тадбирнинг моҳияти, вазифалари тўғрисида суҳбатлар ўтказилди.

Тадбир давомида 51 та автокорхона, 3 та автотеххизмат устахоналари ва 2 та ёнилғи қуйиш шаҳобчалари кўриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, вилот ИИБ ЙХХБ ходимлари билан биргаликда назорат постларида «Тоza ҳаво» тадбирининг 1-босқичини ўтказиш мақсадида кўшма режа тузилди, 10 та блок пост ва ИПХ масканларида кўплаб транспорт воситаси текширилиб, улардан 204 тасида зарарли моддалар миқдори меъёрдагидан ортиқлиги аниқланди.

Корхоналарда жами 630 та автотранспорт воситаси кўриқдан ўтказилди.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонун талабларига риоя қилмаган 28 та мансабдор шахсга жами 157,76 минг сўм миқдорида жарима со-

линди ва ундириб олинди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона раҳбарларига 42 банддан иборат кўрсатмалар берилиб, бажарилиши назорат қилинапти.

Жумладан, Бўка туманидаги 122-автокорхонада табиатни муҳофаза қилиш ишларига совуққонлик билан қаралаётгани маълум бўлди. Бу ерда автотранспорт воситаларидан ажралиб чиқаётган зарарли газ ва тутун миқдорини ўлчаш пости ташкил этилган, газ ва тутун миқдорини текшириш асбоблари мавжуд, лекин жорий йилдан буён ўлчаш ишлари ўтказилмаган. Ўлчов асбоблари давлат стандарти кўригидан ўтказилмаган. Камчиликларга йўл қўйган 3 та мансабдор шахс ўз ҳамёнидан жарима тўлашга мажбур бўлди.

Чиқарилаётган моддалар миқдори меъёрдан ортик бўлиб, жойида соzлашнинг иложи бўлмаган 10 та автотранспорт воситасининг иш фаолияти вақтинча тўxtатилди.

Зангиота, Бўка туманларида автотранспорт корхоналари устидан экология назорати, ИИБ ЙХХБ ходимлари билан ўзаро алоқалар яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Зангиота туманида барча автотранспорт корхоналарининг меъ-



Қармоққа қачон илинаркин?!

Даврон АҲМАД олган сурат.

ёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилган, «Тоza-ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи сифатли уюштирилди. Бунда 4 та автокорхонада жами автотранспорт воситалари кўриқдан ўтказилди.

Бўка туманида автотранспорт корхоналарида «Тоza-ҳаво» тадбирининг биринчи босқичи самарали ўтказилишига эришилди. Бунда 29 корхонада жами 156 та автотранспорт воситаси кўриқдан ўтказилди. Камчиликларга йўл қўйган 25 та мансабдор шахсга жами 136 минг сўм миқдорида солинган жарима тўла ундириб олинди.

Вилоят йўлларида 10 та доимий ва 5 та ҳаракатдаги экологик ИПХ масканлари ташкил қилинди. Тадбир давомида асосий эътибор йирик автомобиль йўлларида экологик назорат текширувларига қаратилиб, «Тошкент-Олмалик», «Тошкент-Бекобод», «Тошкент-Чиноз» йўллари-

да махсус экологик постлар ташкил этилди. Бунда экологик носоз автотранспорт воситаларини жойида соzлаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жами йўлларда ЙХХБ ходимлари томонидан 15 300 та транспорт воситаси текширилиб, улардан 2400 тасида зарарли моддалар миқдори меъёрдагидан ортиқлиги аниқланди. Камчиликларга йўл қўйган 21 мансабдор шахсга ва 65 ҳайдовчига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газ ва тутун миқдорининг ортиб бораётганлигини эътиборга олиб, уларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни бундан буён ҳам доимий назорат қилиб борамиз.

Ўктам АШУРОВ,
атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги бошлиғи.

Билиб қўйган яхши

Фойдали ҳашаротлар

Ҳашаротларнинг турлари жуда кўп бўлиб, ер юзиде, тупроқ ва сувда яшайди. Улардан чигирткалар, ширалар, капалаклар, уларнинг қуртлари ва кўпчилик кўнғизлар қишлоқ ҳўжалигига катта зарар етказилади.

Лекин одамга ўрганган ҳашаротлардан асалари икки ёклама фойда келтиради. Бир томондан, у асал, мум ва доривор маҳсулотлар етказиб берса, иккинчи томондан гулларни чанглайди. Ипак қурти канчалик фойдали ҳашарот эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бир қанча фойдали ҳашаротлардан зараркуналларга қарши кураш, уларнинг кушандалари сифатида қадимдан фойдаланиб келинади. 350 тадан ортик бундай фойдали ҳашаротларнинг яққол вакили сифатида хонкиз кўнғизчасини кўрсатиш мумкин. Кўзга аниқ ташланадиган сариқ-қизил тусдаги бу кўнғизча оғохлантириш ранги сабабли кушлардан яхши ҳимояланган. У хилма-хил ўсимлик ва мева-ли дарахтларга катта зарар етказадиган шираларни еб фойда келтиради.

Хонкизлар тоқзор боғларининг энг ёвуз зараркунандаси бўлган филасора шираларига қарши курашда ҳам яхши натижа беради. Урмон зараркунандаларига қарши курашда ўрмон қумолиларидан кенг фойдаланилади. 2 мингга яқин турни ўз ичига олган қумолиларнинг кўпчилиги зараркунанде ҳашаротларга қарши курашда яхши натижа беради. Уларнинг тухуми, қуртлари ва катта ёшдагиларини ҳам қиради. Сарик қумолининг битта уяси ҳар куни 30 мингтагача зарарли ҳашаротларни, қуртларни йўқотади. Бу соҳада қумолилар ҳатто кушларга нисбатан ҳам кўпроқ фойда келтиради. Масалан, чархчи куш (сница)бола очиш даврида 500-600 та қуртни, кизилиштон мингта қуртни йўқотса, қумолилар 10-12 баравар кўп зарарли ҳашаротларга қирон келтиради.

Фойдали ҳашаротлардан яна бири ниначидир. Улар ҳавода учиб юрган турли зараркунанде ҳашаротларнинг, жумладан, хилма-хил касал тарқатувчи искабтопар (оққанот), қон сўрувчи пашша ва бошқаларнинг ашаддий кушандасидир.

Парда қанотлилар туркумига мансуб яйдоқчилар ҳам фойдали ҳашаротлардандир. Улар зараркунандаларнинг қуртларига тухум қўйиб, уларни ўлдиради.

Бешиктебратарлар бирқанча зарарли кўнғизлар, қандалалар, капалаклар, ҳатто чигирткаларни йўқотишга катта ёрдам беради. Ҳозирги пайтда кўпайтириб, фойдаланилаётган трихограмма қатор зарарли ҳашаротларни йўқотишда тенгсиз аҳамиятга эга. Шунинг учун фойдали ҳашаротларни химоя қилиб борсак, атроф-муҳитни, экологияни тоза сақлашга ёрдам берган бўламиз.

Даврон ТЕМИРОВ,
олий тоифали ўқитувчи.

● Шанбалик

Фаол қатнашдилар

Атроф-муҳит мусатффолигига бағишлаб ўтказилган умумхалқ ҳашарига вилоятимизнинг барча фуқаролари қатори экологлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тасарруфидаги 17 та корхона, ташкилот ва муассасалар жамоаларига бирлашган 200 нафарга яқин ходимлар шу куни иш жойларида бўлдилар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шугулландилар. Шанбаликда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Салкам 50 тонна саноат ва бошқа чиқиндилар тўпланди. 17 минг 280 метр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди. 16 та канализация тармоқлари, очиқ сув ҳавзалари, зах ертўлаларнинг санитария ҳолати яхшиланди. Тўкилган хазонлар йиғилди ва компост қилинди. Вилоят қўмитаси ва унинг тузилмаларидаги бинолар таъмирланди, атрофидаги ҳудудлари тартибга келтирилди.

Шу куни ишлаб топилган ва бир кунлик иш ҳақидан 143,3 минг сўми «Маҳалла» жамғармасига, 130,2 минг сўми «Экосан» халқаро жамғармаси ҳисобига ўтказилди.



● Сув тежалмоқда

Тадбир ва натижа

«Бўстонликсут» қўшма корхонасида совутгич компрессорлардан фойдаланиш учун кўп миқдорда сув ишлатилади. Илгари бу қимматли табиат неъматини бир бор ишлатилгач, оқизиб юборилиб, исроф бўларди. Корхонани чет эллик сармоядорлар ёрдами билан қайта ишга тушириш олдида сувдан фойдаланишдаги бу исрофгарчиликка хотима бериш писанда қилинди. Бу соҳада янги технология жорий этилиб, совутиш компрессорларида оби-ҳаётдан қайта фойдаланиш йўлга қўйилди. Бунинг учун янги тизим қурилди. Шу биргина тадбир туфайли 230 минг куб метр ичимлик суви тежаладиган бўлди.

Инсон саломатлиги учун энг зарур бўлган сув ва ҳаво доимо мусатффо бўлиши лозим.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида, «Агар чанг бўлмаганида, инсон минг йил умр кўриши мумкин бўларди», деб таъкидлаган. Сув ва ҳавонинг ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир этади.

Ҳаво ва сув:
Доим назоратда

Шу боис уларнинг таркиби мунтазам текшириб борилиши лозим. Вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қошида шу мақсадда махсус таҳлил назорат нозирлиги (МТНН) ташкил этилган. Унинг 4 та лабораторияси сув ва ҳаво ўта ифлосланадиган минтақаларда фаолият олиб бормоқда. МТННларда 1998 йилдан бошлаб сув ва ҳаво манбаларидан оқилона фойдаланиш дастури бўйича хавфли корхоналар танланиб, уларда текшириш ишларини доимо уюштирмоқда.

Текширув ва таҳлил натижалари давлат аналитик назорат нозирлигига тақдим этилади ҳамда у ерда марказлашган ҳолда ҳамма маълумотлар тўпланиб келинмоқда. Ишнинг яхши самара беришини назарда тутиб, Республика мувофиқлаштириш кенгашининг қарорига асосан, табиатни муҳофаза қилиш қўмита тизимига ҳам саноат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига кириб, кенгаш рухсатисиз намуналар

олиб, текшириш чоралари кўрилаяпти.

Нозирлик ходимлари ҳар куни белгиланган жадвал асосида шаҳар ва туманлардаги ҳаво ва сув намуналарини таҳлил этишмоқда. Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларда мониторинг дастурлари амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги қарори асосида Ўзбекистоннинг атроф муҳитини ифлослантирувчи манбалар мониторингини асосий ҳолатлари ишлаб

Вилоят МТННда 2002-2003 йиллар мобайнида олиб борилган ишлар жадвали куйида берилмоқда:

Кўрсаткичлар	2002 йил	2003 йил
1. Сувдан олинган намуналар	912	789
2. Қилинган таҳлиллар	11846	10506
3. Атмосфера ҳавосидан олинган намуналар	1523	1817
4. Қилинган таҳлиллар	1569	1817
5. Умумий олинган намуналар (сув ва ҳаво)	2435	2606
6. Умумий таҳлиллар (сув ва ҳаво)	13413	12323
7. Текширилган қўзғалмас манбалар	368	296
8. Солинган жарима ҳажми	97385 сўм	3492769,5 сўм

● Қисқа сатрларда ● Қисқа сатрларда ● Қисқа сатрларда

● Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят саноат корхоналарида капитал маблағлар ҳисобига табиатни муҳофаза қилишга қаратилган 26 та тадбир амалга оширилди. Унга сарфланган сармоя ҳажми 2 миллиард 350 миллион сўмни ташкил этди.

● Биргина Олмалик кон-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятида атроф-муҳитнинг ифлослантириш даражасини ка-

майтиришга қаратилган 431 миллион сўмлик иш бажарилди. Чирчиқдаги «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси карбонид цехига ўрнатиш учун 1,8 миллиард сўмлик насослар харид қилинди. Бирлашган қурилиш корхоналари директори томонидан эса, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган 25,8 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

«Меҳржон» қўйнида

Юртимизга куз фасли ташриф буюриб, диёримизнинг барча гўшаларида табиат ўз сепини ёйиб юборди. Унинг бу қадар сахийлигидан меваларга бурканмаган


жойи қолмади. Айниқса, боғу роғлар улардан маржонлар тақиб, ажиб бир чирой кашф этдики, таърифига қалам ожизлик қилади.

Меваларнинг хушбўй ифори димоғимизга урилганида, беихтиёр бундай гўзалликдан ҳайратга тушасиз. Шундай ёзги кайфиятда Тошкент денгизининг сўлим қирғоқларида жойлашган «Меҳржон» болалар сиаҳатгоҳи ва оромгоҳига кириб келганлигимизни сезмай қоламиз. Йўлнинг чеккаларига ўтказилган турли мевали, манзарали дарахтлар ҳамда гуллар эътиборимизни тортди. Текис, тоза кўчалар саранжом-саришта. Йўл ёқаларидаги дарахтларга шакл берилганлиги, гуллар остининг чопилганлиги, яхшилиқка, эзгуликка ундовчи кўргазмали шиорларнинг осилганлиги маънавиятга бўлган эътибордан дарак бериб туради.

Оромгоҳ раҳбари Хосият Охунжонованинг айтишича, бу йил 2000 тупдан зиёд гул кўчатлари ўтказилган. Унинг марказидаги фаввора ажиб манзарани янада уйғунлаш-

тириб юборган. Улардан чарх уриб отилиб чиқаётган сув зарралари заррин-зар-

рин бўлиб сочилаётир. Спорт бурчаги, «Маънавият хонаси» кўнгилдагидек



безатилган. Спортга оид, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирувчи кўргазмалардан кўзингиз қувонади. Бирор бекор ётган ерни учратмайсиз.

Тошкент денгизига олиб чикувчи йўлақлар саришта. Хуллас, ободонлаштириш ишлари муваффақиятли адо этилганлиги шундоқ билиниб турибди. Ёзги клублар, сув ҳавзалари атрофида ҳам бир қатор ободонлаш-

тириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу «Меҳржон»нинг кўркига кўрк қўшиб юборади. Болаларнинг шўх-хандон кулгулари оламни тутди гўё.

Оромгоҳни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилинди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан кам таъминланган, кўп болали оилаларга ҳомийлик қилиш «Меҳржон» жамоасининг аънавий одатига айланиб қолди. Бирорта бундай оила унинг эътиборидан четда қолмайди.

«Маънавият хонаси» дам олувчи болаларнинг энг севимли маскани ҳисобланади. Аквариумдаги баликларнинг жозибадор рақслари, сайроқи кушларнинг хонишлари, хуллас, ҳамма-ҳаммаси табиати гўзал «Меҳржон»нинг меҳрли бағрига жуда-жуда ярашиб турибди.

— Ҳали бир қатор қурилиш ишларини амалга оширимиз керак, — дейди Хосият Охунжонов. — Бундан мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, бизнинг оромгоҳимизга дам олиш учун келаётган каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам кўнглида миннатдорлик туйғуси жўш уриб турсин.

Зокир АБДУЖАББОРОВ.

● **Сўраган эдингиз**

Атмосфера қандай қатлам, унинг аҳамияти нимада?
Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз?
Тошкент туманидаги бир гуруҳ ўқувчилар.

Ҳаёт манбаи

Атмосфера бу ер юзидаги тирик мавжудотларни ҳар хил таъсирлардан химоя қилувчи қатлам, табиатнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Инсоният, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, барча жонзотлар атмосферасиз яшай олмайди. Атмосфера — бу ҳаёт манбаи. Атмосфера тирик жонни кислород билан таъминлайди. Бир кеча-кундузда инсон органлари орқали 20 куб метрга яқин ҳаво ўтади. Одам ҳавосиз икки ёки уч дақиқа ҳам яшай олмайди. Ҳаво қанчалик тоза бўлса, одам ўзини шунча бардам ва соғлом сезади. Атмосфера қатлами 78,1 фоиз азот, 21 фоиз кислород ва 0,9 фоиз

аргон, водород, озон, углерод ва бошқа газлардан ташкил топган. Кислород эса яшил таналарнинг фотосинтези натижасида пайдо бўлади, озон қатлами вужудга келади. Агарда океанлар, денгизлар, дарахтлар ва ўсимликлар бўлмаганда атмосферада миллион йиллар давомида ер юзида ҳосил бўлган кислород захиралари қисқа муддатда тугаган бўлар эди. Лекин улар инсон фаолияти натижасида йўқолаётган кислород захирасини мунтазам тўлдириб туради. Табиатнинг ўпкаси ҳисобланган дарахт ва ўсимликлар атмосфера ҳавосини мусаллаҳ қилиб таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Ҳар бир


дарахт ёз мавсумида ўртача 1кг чанг, тўзон ва қурумни ўзида ушлаб қолади. Улар карбонат ангидрид ва бошқа зарарли моддаларни ўзлаштириб, ўрнига шунча микдорда кислородни атмосферага етказиб беради. Шу боисдан дарахтларни кўпайтириш, тева-рак-атрофни кўкаламзорлаштиришга катта эътибор бериш керак. Ота-боболаримиз янги чақалоқ туғилганда, албатта унга атаб дарахт эканлари ҳам бежиз эмас.

Лекин бу саъй-ҳаракатларга зид равишда иш тутаяётган инсонлар ва ташкилотлар ҳам бор. Айрим ҳудудларда дарахт ва дарахтзорларни ўз манфатини кўзлаб, ҳар хил баҳоналар билан қонунга хилоф равишда кесиш ва уларни йўқ қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқдаки, бу ташвиш туғдирапти.

Бунинг олдини олиш учун одамлар онгида озгина бўлса ҳам она табиатга нисбатан бефарқ бўлмаслик, маъсулият ҳиссини шакллантириш ва қўлайтириш лозим.

● **«Қизил китоб»га киритилган**

Туркистон оқ лайлаги



Баҳор элчиси бўлган Туркистон оқ лайлаги февраль-март ойларида учиб келади. Уни юртимизнинг Фарғона водийси, Туркистон тоғ этакларида, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошкент воҳалари, Сурхондарё вилояти жанубида кўплаб учратиш мумкин. Айримлари Фарғона водийсида қишлайди. Уларнинг макони

воҳалар, ботқоқликлар, дарё бўйлари ҳисобланади.

Баланд дарахтларда, электр узатиш тизмаси таянчларида уялайди. Апрель-май ойларида 3-5 та тухум қўяди ва 32-34 кун босиб ётади. Кузда август-сентябрь ойларида учиб ўтади. Оқ лайлақлар майда балиқлар, қурбақалар, судралиб юрувчилар ва сувда яшовчи умуртқасизлар билан озиқланиб, кун кечиради.

Текисликда дарё сувлари ўзанининг ўзгариши ва намли ерларнинг қуритилиши оқибатида уларнинг яшаш жойлари камайиб бормоқда.

Республикамизда уларнинг сони борган сари қисқармоқда. Шу сабабли муҳофазага олинган, овлаш тақиқланган.

● **Бетга айтганнинг захри йўқ**

Кўчами ё ахлатхона?

Бугун металлургия ва цементчилар шаҳрини айлансангиз, ўзингизни бири-бирига тутшиб кетган ахлатхоналар устида юргандек сезасиз. Бу асло лоф эмас. Ҳар бир муҳолишда турли маиший чиқиндилар уюлиб ётибди. Уларнинг бири қисмини енгил-елпи шабада учуриб, кўчаларга, майдонларга, хибонларга ёйиб ташлаяпти.

Шаҳар айланиб, бу аҳволдан таассуфланиб юрганимизда, Андижон маҳалласида Темир Ҳамдамовга дуч келиб қолдик. Кўп қаватли уй олдидаги майдонда сочилиб ётган ахлатларни суратга олаётганимизни кўриб, оқсоқол афсус билан:

— Эҳ, аттанг, шундай бир шаҳар бамисоли эгасиздек бўлиб қолаяпти, — деб қўйди. — Шу ерда яшаймиз-у мана шу ахлат уюмларига ҳар қоқилганимизда, бир надомат билан бош силкиб қўяқоламиз.

Оқсоқол бироз жим тур-



чи Ёқуб Холиқназаровни йўл бўйида учратдик. Кўрганларимиздан гап очган эдик оқсоқол таассуф билан деди:

— Илгарилари шаҳримиз-

сайиб бораётганлигини таъкидлади. Мана шу маҳалладаги 53 та кўп қаватли уйларда 8 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг 85 фоизи ёшлар, 2138 оиланинг ҳар бирида бештагача ёш бола бор. Энди ўйлаб кўринг, ҳар оила қоп-қоп ахлатни, бошқа маиший чиқиндилар ва суприндиларни кўча ва майдонларга чиқариб ташлайвергандан кейин бошқа қандай манзара ҳосил бўлиши мумкин?

— Ҳар икки ҳафтада Темир ота Ҳамдамов билан идорамиз атрофидаги кўчаларни, ариқларни ўзимиз тозалаб чиқамиз, — деб қўйди Матчонов. — Лекин уч-тўрт кундан кейин қарабсизки, яна аҳвол ўша-ўша.

Илгарилари тўпланган ахлатларни белгиланган жойларга чиқариб ташлаш билан ҳокимиятнинг ободонлаштириш бўлими, металлургия ва цемент комбинатларининг тегишли хизматлари мунтазам шуғулланишар эди. Ҳозир бу иш билан биргина тадбиркор шуғулланади. У кишининг ҳам имкониятлари ниҳоятда чекланган. Ахир, битта трактор тиркамаси билан кунига қанча ахлатни тегишли жойга чиқариб ташлаш мумкин?

Бугун Бекободдаги аҳвол шундай. Буёғи машҳур Бекобод шамоли хуружга келадиган кунлар яқин. Агар шаҳар ахлат уюмларидан тезда тозаланмаса, эрта-индин шамоли уларни учуриб, бутун атроф экологиясини бузиб юбориши шубҳасиз. Наҳотки, катта бир саноат шаҳрининг мутасаддилари, қолаверса, бу иш билан бевосита шуғулланиши лозим бўлган идоралар шунга эътибор беришмаса?

Жўрабек МУРОДОВ,
Даврон АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбирлари.

СУРАТЛАРДА: Бекободда бугун вужудга келган манзара-лардан лавҳалар.



ди-да, кейин қўшиб қўйди:

— Одамларимиз бу дилхираликларга барҳам беришни ўйлашмайди. Қанча-қанча шанбаликлар ўтказдик. Кўча-кўйларни ахлатлардан тозалаб, бир жойга уйиб қўямиз-у, қани уларни юклаб, тегишли жойларга элтиб ташлагани бир транспорт топсак. Қарабсизки, кечаги ахлат тўпламлари туни билан яна кўчаларга ёйилиб кетади...

Ҳар бир кўп қаватли уйда ёки хонадонларда яшовчи кишилар маиший чиқиндиларни, ташландиқ нарсаларни тўғри келган жойга ағдариб кетишга тобора одатланиб қолишяпти. Баъзан кечки пайт топ-тоза турган майдонда эрта тонг тўп-тўп ахлат уюмларини кўрасиз.

Шаҳарнинг Мустақиллик маҳалласидаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. 25-уйда яшов-

● **Бу қизиқ**

Ноёб новвос ухлатилди

Жаҳонда биринчи марта ДНКсида инсон ирси жонлан-тирилган новвос Голландиянинг Утрехт университети чорва саломатлиги кафедрасида абадийга ухлатилди. Чунки, унинг бўғинлари шамоллаганидан азият чекарди. Герман номли бу жонивор бундан 13 йил илгари пробиркада юзага келган бўлиб, ўша вақтдан бери олимлар назорати остида яшаган эди.

Новвоснинг туғилиши моҳирона амалга оширилган ирсий тахриб натижаси бўлди. Бу ҳодиса оддий фуқаролар ўртасидагина эмас, ҳатто мамлакат парламентида ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Этика бўйича парламент комиссияси бу йирик шохли қорамол яшаши мумкин деган қарорга келди.

Германдан ҳаммаси бўлиб 55 та бузоқ олинган. Агар 1966 йилда уни ахта қилишмаганида янада кўпроқ бўларди. Кейинги йилларда у Лейден музейида тирик экспонат сифатида намойиш қилиб турилди. Германиянинг касали ирсий ўзгаришлар билан боғлиқ эмаслиги, 13 йил ҳар қандай новвос учун кекса ёш эканлиги кўп бор таъкидланди.

Антиқа беллашув

Италиянинг Сан-Надзор-Сезиа деган жойида чивинларни ўлдириш бўйича мамлакат чемпионати ўтказилиб турилади. Шоли экилган майдонлар яқинидаги бу манзилгоҳда чивинлар жуда кўп. Бу галги беллашувда ўнлаб италянлар қатнашдилар. Уларнинг ҳар бирига махсус чивин ўлдиригичлар берилди. Ўлдирилган чивинлар мусобақа тугашига қадар сақланади. Ҳакамлар уларнинг сонига қараб голибни аниқлайдилар. Биринчи учта ўринни олганларга дурустгина пул мукофоти берилади. Мутлақ голиб эса, уйига тирик эшакни етаклаб кетади.

● **Хуқуқларингизни биласизми?****Қонун ҳаммага баробар**

Мулкӣ низола билан боғлиқ масалалар оз эмас. Уни ҳал қилиш чоғида турли муаммолар туғилипти. Шу боис газетангиз саҳифасида мулкӣ низола хусусидаги қонунларимизни тушунтириб берсангиз.

Нодира ЖҲРАБОЕВА, маҳалла фаоли. Зангиота тумани.

Бозор муносабатларини ри-
вожлантиришга қаратилган
Ўзбекистон иқтисодиётининг
негизини хилма-хил шакллар-
даги мулк ташкил этади. Дав-
лат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи
устуналигини ҳисобга олиб,

иқтисодий
фаолият, тад-
биркорлик ва
меҳнат қилиш
эркинлигини, бар-
ча мулк шаклла-
рининг тенг
ҳуқуқлигини ва
ҳуқуқий жиҳатдан ба-
равар муҳофаза этили-
шини кафолатлайди.

Судлар мулкдорнинг
мулкка эгалик қилиш,
ундан фойдаланиши,
уни тасарруф этиш
тўғрисидаги ҳуқуқлари бузи-
лиши юзасидан келиб чиқа-
диган низола билан ҳар тараф-
лама тўлиқ, ҳолисона ва синч-
ковлик билан кўриб, қонунчи-
ликка амал қилган ҳолда адо-
латли қарорлар чиқаришлари
лозим.

Тарафлардан бири фуқаро
бўлганда бу тоифадаги мулкӣ
низо фуқаролик судларида
мазмунан кўриб чиқилади.
Агарда тарафлардан бири ёки
иккаласи юридик шахс мақо-
мига эга бўлса, бундай даъво
аризалари хўжалик судлари-
нинг судловлигига тааллуқли
бўлиб, хўжалик судлари томо-
нидан кўриб чиқилади.

Мулкӣ низола фуқаролик
ишлари бўйича судлар томо-
нидан кўриладиган низола-
нинг салмоқли қисмини таш-
кил қилади. Уларни ўз вақти-
да тўғри ҳал қилиш учун даъ-
вогар ва жавобгар томонидан
ўз даъво аризаларида ва эъти-
розномаларида келтирилган
важларни тасдиқловчи далил-
лар судга тўлиқ тақдим қили-
ниши муҳим аҳамиятга эга.

Тарафлар уй-жойни асл
ҳолда бўлиш тўғрисида кели-

ша олмасалар, суд томонидан
уларнинг улушларини уйнинг
баҳосини инобатга олган ҳолда
бўлиш имконияти мавжуд ёки
мавжуд эмаслиги ҳақида суд-
бинокорлик-қурилиш экспер-
тизаси тайинланади.

Улушли мулк йшти-
рокчисига унинг улуши-
ни асл ҳолда ажратиб
бериш ўрнига бошқа
мулкдор томонидан
товон тўланишига иш-
тирокчининг розилиги
билан йўл қўйилади.

Мулкдорнинг улуши
арзимас бўлган,
амалда бериш мум-
кин бўлмаган ва
умумий мол-мулк-
дан фойдаланишда
катта манфаатга эга
бўлмаган ҳолларда
суд ушбу мулкдор
зиммасига маълум миқдорда
товон тўлаш мажбуриятини
юклаши мумкин.

Шериклик асосида эгалик-
да бўлган уй-жойлардаги ер-
лардан фойдаланиш тартиби-
ни белгилаш тўғрисидаги даъ-
воарни ҳал этишда, албатта
ердан фойдаланиш тартиби
бўйича тегишли ҳокимлик, уй-
жойларни рўйхатга олиш бўли-
мининг ердан фойдаланиш ва-
риантлари бўйича фикри ёки
тегишли экспертиза хулосаси
бўлиши шарт.

Мулкӣ низола билан судда
кўриш чоғида асосан Ўзбеки-
стон Республикаси Фуқаролик
кодекси, Уй-жой кодекси,
Ўзбекистон Республикасининг
«Мулкчилик тўғрисида»ги
Қонуни, Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий суди, пленумла-
рининг бир қатор тегишли
қарорлари ва бошқа меъёрий
ҳужжатларнинг талаблари тат-
биқ этилади.

Зухра ЭРМАТОВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Ўртаҳричқ туманлараро
суднинг раиси.

● **2004 йил – Меҳр ва мурувват йили**

Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси «Соғлом авлод учун»
халқаро ноҳукумат хайрия
жамғармаси, Бастакорлар
уюшмаси, Бадий академия
билан ҳамкорликда «Меҳр ва
мурувват йили» дастури дои-
расида «Инсон ва замон» мав-
зуида адабий-бадий анжуман
ўтказди.

Украина фашист босқинчи-
ларидан озод этилганининг 60

«Инсон ва замон»

йиллигига бағишланган мазкур
тадбирда уруш фахрийлари
юртимиз иккинчи жаҳон уру-
ши йилларида минглаб укра-

иналиклар ва ота-онасидан
жудо бўлган бошқа миллатлар
фарзандларини ўз бағрига
олиб, уларга меҳр-мурувват
кўрсатгани ҳақида сўзлаб бер-
ди.

Ўзбекистон Бадий акаде-
мияси Марказий кўргазмалар
залида ўша машаққатли уруш
йилларига оид фотосуратлар
ва ёзишмалардан иборат
кўргазма ташкил этилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

● **Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари****Гуллар билан тиллашиш санъати**

**Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Япония марказида Кунчиқар юрт-
нинг икебана – гулдасталар тузаш ва сайқал бериш санъатига
бағишланган машғулотлар бўлиб ўтди.**

Тадбир Япониянинг юртимиз-
даги элчихонаси билан ҳамкор-
ликда ташкил этилди. Машғу-
лотларни умрининг ярим асрдан
кўпроғини мазкур санъат риво-
жига бахшида этган Ямада Ми-

дори олиб борди.

Японияда икебана санъати ўн
тўртинчи асрда пайдо бўлган ва
дастлаб фақат аслзода эркаклар-
га хос машғулот саналган. XVII
асрга келиб бу санъат билан

аёллар ҳам шуғуллана бошлаган.
Икебанада гул, шох ва новдалар
инсон, осмон ва ер рамзи ҳисоб-
ланган. Айтишларича, Япония ма-
даниятининг узвий қисми санал-
миш икебанада уни беазаган ва
тузган кишининг дунёқараши, ру-
хий олами, маънавий қиёфаси
якқол намоён бўлади.

Тадбирда Япониянинг Ўзбе-
кистондаги Фавкулотда ва мух-
тор элчиси Юичиро Кусумото иш-
тирок этди.


«Хамдўстлик» аёллар клубида
ҳам шундай машғулот бўлиб ўтди.

ЎЗА.

● **Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •****Ёзги биатлон****Вакилларимиз кучли тўртликда**

наётган ушбу ёзги биатлон му-
собақаларида энг юқори нати-
жага эришган Самарқанд вило-
яти жамоаси Ўзбекистон чемпи-
они бўлди. Наманган ва Фарғо-
на вилоятлари вакиллари иккин-
чи ва учинчи ўринларни қўлга
киритишди. Вилоятимиз ҳарбий-
амалий кўпкурашчилари эса
тўртинчи ўринни эгалладилар.

Совринли ўринларни эгал-
лаган жамоаларга «Ватанпар-
вар» ташкилоти Марказий кен-
гашининг диплом ва медалла-
ри, Германиянинг ВОСН фир-
маси, миллий хавфсизлик хиз-
мати вилоят бошқармаси ва
бошқа ҳомий ташкилотларнинг
қимматбаҳо совғалари топши-
рилди.

Ўзбекистон кубоги**«Пахтакор» кубок эгаси**

**«Пахтакор» марказий ўйинго-
ҳида Ўзбекистон кубоги му-
собақасининг финал учрашу-
ви бўлиб ўтди. «Пахтакор» ет-
тинчи бор финал учрашуви-
да иштирок этган бўлса,
«Трактор» жамоаси биринчи
бор бундай нуфузли мусо-
бақа финалида майдонга
тушди.**

Учрашувнинг биринчи бўли-
мида пахтакорчиларнинг ус-
тунлиги якқол сезилиб қолди
ва улар танаффусгача рақи-
блари дарвозасига учта жавоб-
сиз тўп киритишга эришди-
лар. Танаффусдан сўнг эса
тракторчилар ўйинни тенглаш-
тиришга ҳаракат қилдилар ва
икки бор пахтакорчилар дар-
возасини ишғол этдилар. Фи-
нал учрашуви 3:2 ҳисобида
«Пахтакор» ғалабаси билан
яқунланди ва у олтинчи бор
Ўзбекистон кубоги соҳибига
айланди.

Талъат ЮСУПОВ.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси «Нота-
рият тўғрисида»ги Қонунига му-
вофиқ Тошкент вилояти Адлия
бошқармаси куйида қайд этилган
ўрни бўш қолган давлат ва хусу-
сий амалиёт билан шуғулланувчи
нотариус лавозимини эгаллаш
истагини билдирган олий юридик
маълумотга ва нотариал фаолият
билан шуғулланиш ҳуқуқини бе-
рувчи лицензияга эга бўлган фу-
қароларни танловда қатнашиш
учун таклиф этади:

**I. Хусусий амалиёт билан шуғул-
ланувчи нотариуслик лавозими
учун —**

Зангиота туманида — 1 та ўрин;

**II. Давлат нотариал идораси нота-
риуси лавозими учун —**

Чиноз туманида — 1 та ўрин.

**Аризаларни қабул қилиш муддати
танлов эълон қилинган кундан
бошлаб 30 кун.**

Осиё чемпионати**Ёшларимиз уйга қайтишди**

**Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда ёшлар ўртасида ўткази-
лаётган XIV Осиё чемпионатида ярим финалчилар аниқланди.**

Вакилларимиз ярим финалга чиқиш учун Жанубий Корея жа-
моаси билан баҳс юритдилар. Учрашувнинг дастлабки дақиқа-
лари тенг курашлар остида ўтган бўлса-да, 39-дақиқада корей-
ликлар ҳисобни очишга эришдилар. Танаффусдан сўнг, мам-
лакатимиз футболчилари жавоб тўпини киритиш учун ҳужумга
зўр бердилар. Ниҳоят, 78-дақиқада Нодир Кўзибоев ҳисобни
тенглаштирди. Бу ҳисоб ўйиннинг асосий вақти тугагунча ўзгар-
мади. Ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда рақибларимиз
2:1 ҳисобида ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилдилар. Ярим фи-
налга йўлланма олган терма жамоалар жаҳон чемпионатида
йўлланмани ҳам қўлга киритдилар.

Тошкентда «Индонезия оқшоми»

Тошкентда Индонезия Республикаси Мустақиллик куни ва ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон пойтахтидаги элчихонаси очилганининг 10 йиллиги ўзига хос тарзда нишонланди. Ўтган шанба куни «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг «Амир Темур» залида ташкил этилган байрам дастури «Индонезия оқшоми» деб аталди.

Унда Жакартадан махсус ташриф буюрган рақс дастаси кеча иштирокчилари эътиборига ранг-баранг бадиий дастур тақдим этди. Пойтах-

тимиздаги «Офарин» рақс театри ижросидаги Индонезия миллий рақси ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Кечада индонезиялик танликлли модельер Этти Башеттанинг либослар коллекцияси намойиш қилинди. Индонезия элчихонаси қошида дипломатик ваколатхона вакиллари, жумладан, элчи иштирокида ташкил этилган ансамбль бамбукдан ясалган мусиқа асбоби ёрдамида ажойиб мусиқа оҳанглари ижро этди.

Халқ хунарамандлари махсулотлари кўргазмаси ва миллий таомлар намойиши ҳам кеча файзига файз қўшди.

Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси Хошим Салоҳ кечага ташриф буюрган меҳмонлар, жумладан, индонезиялик ва ўзбекистонлик санъаткорларга байрам оқшомидаги иштироки учун самимий миннатдорлик билдирди.

«Жаҳон» АА.

● Кичик фелъетонлар УЙИ ЁРУҒ, ДИЛИ ЗИМИСТОН

Қачон қараманг, Янгийул туманидаги Халқобод шарҳарчасида яшовчи Ваҳоб Аҳмедовнинг хонадони чароғон.

Бамисоли, осмондаги шода-шода юлдузлар шу ҳовлига кўчиб тушган-у, тунни ҳам кундузгидек ёритиб юборган дейсиз. Бу ҳолат кўни-кўшининг ҳавасини келтирар, улар ҳам хонадонларини тун бўйи машъаладек ёритиб қўйишни орзу қилишарди-ю, лекин йўлини топа олишмасди. Ваҳоб тушмагур ҳам бундоқ ёрилай демасди.

Ниҳоят, Ваҳоб Аҳмедов хонадони тун бўйи чарақлаб туришининг сири очилди. Ўзиям устаси фаранг бўлиб кетган экан. Милиция профилактика нозир Х. Кенжаев унинг кирдикорини фош қилгунича, обдон терлаб-пишди. Қисқаси, Ваҳоб деганимиз хўп учар экан, электр қувватидан ўгринча фойдаланиб, хонадонини чароғон қилиб юраркан. Мана энди минггалик лампа ёкса ҳам дарди-ичи ёришмайди — борлиги зимистон.

СОБИР ОТАНИНГ АФСУСИ

Ўғри бўл, эгри бўл, эви билан бўл-да. Нима қилсан, ёшинг етмишни қоралаб қолганида, чакки юриб?

Аммо паркентлик Собир ота тушмагур бу сингари андишаларга бормади.

Қартайиб қолганида ҳам оғуфурушлигини қўймади. «Отахон»нинг чаккибосарлиги оғиздан-оғизга ўтиб, ички ишлар ходимларига ҳам етиб борди. Гиёҳванд моддалар билан пинҳона тижорат қилишда шубҳа остига олиб, улар қарияни ўз уйи олдида тўхтатишди. Буни қарангки, ёнидан оз эмас-кўп эмас, 9,5 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси чиқди. Ана энди «мўйсафид» тушмагур бу оғуни нима мақсадда кўтариб юрганлигини терговчиларга изоҳлаб бериш билан овоза.

Жўрахон САЪДИЕВ.

Фанлар академиясидаги механика институтининг аэродинамик қувуридан ўтадиган ҳаво тезлиги жуда паст бўлиб, мўлжалланган иш жараёнларини текшириш ва кузатишга ярамас эди. Шунинг учун Туркистон ҳарбий округининг илтимоси билан Чкалов номида завод ўз цехларининг бирида аэродинамик қувур ўрнатди. Ҳисоб-китобларимда шакланган фикрларим секин-аста аэродинамик лабораторияларда ўзининг ижобий ва салбий томонларини намойён қила бошлади.

Бу орада Франция фанлар академияси ҳамда Дрезден техника университети мени ўз мамлакатларига, қисқа муддатга келиб кетишга таклиф қилиб қолишди. Бу қувонарли ҳол бутун институт-

Мен ноилоҳ Коченовнинг фикрига қўшилишга мажбур бўлдим. Фарид Кайдани деган бир маҳмадона аспирантим бор эди. Уни шогирдликка олиб, ўзим пушаймон эдим. Шу Кайданини Францияга эмас, фақат Германияга икки ҳафтага жўнатдим. Бироқ Кайдани ҳаммани хайрон қиладиган иш тутди. У Германиядан икки ҳафтадан кейин ҳам, икки ойдан кейин ҳам қайтиб келмади. Кейин билсам, Кайдани Германияда бутунлай қолиб кетибди. Унинг кетидан Навоий театрида раққоса бўлиб ишлайдиган сингисини Флора Кайдани ҳам Ўзбекистонни тарк этди. Кайданининг бу қилмиши мени анча овора қилди. Барча аспирантларим махфий хужжатлардан фойдаланиш

тишган. Менгача текширув ўтказган олимлар ўрганган объектларининг моделлари асл нусхадан узоғи билан юз марта кичик бўлиб, текширувлар баҳайбат аэродинамик қувурларда олиб борилган. Шунинг учун улар Рейнольдс ва Фрут сонлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаганлар. Менинг шароитида аэродинамик қувурнинг диаметри атиги 30 сантиметр бўлганлиги учун моделлар ўлчамини минг марта қисқартиришим, шу тўғрисида қувурдаги ҳаво тезлигини ҳам минг мартага оширишим керак бўлиб қолди. Буни эса техник томондан ўша кезлари амалда ошириб бўлмасди. Демак, олиб борадиган ўлчамларим амалда тўғри келмай, ҳамма ҳисобларим бекор бўларди. Ўша пайтда Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти бўлиб ишлаётган атоқли физик Убай Ориповга телефон қилиб, муаммони юзакигина қилиб айтсам, у одамда катта қизиқиш тугилди. Бу масалада батафсилроқ суҳбатлашиш учун академикнинг ўзлари бир соат ўтмай,

кабинетимга етиб келди. Кези келганда айтишим керакки, ядро физикаси ва электроника бобида оламга машҳур бўлган, Америкаларда китоблари чоп этилган бу забардаст олим ўта камтарин эдилар. Қанчалик ёш ва фанда эндигина атак-чечак қилиб, юра бошлаганимга қарамай, мен билан худди ўз тенгидек ҳурмат билан гаплашадиган ва тез-тез учрашадиган бўлиб қолган эдилар. Убай ака, ҳатто уйимгача мени ўз машинасида ташлаб, ота-оналарим, оилам билан танишиб, нон-чой ичиб кетган одам эди. Айнан шу Убай Ориповнинг маслаҳати билан ўша пайтда Москва давлат университетида профессор бўлиб ишлаётган, гидродинамика фанининг йирик намоёнчаси ҳисобланган юртдошимиз, академик Халил Раҳматуллиннинг хузурига жўнадим.

Аъзам АЗИМИЙ, техника фанлари доктори, профессор.

(Давоми бор).

МУТЛАҚО МАХФИЙ

(Воқеий қисса)

га дарров тарқалди. Уларга жавоб хати ёзиб, чет эл сафарига тайёргарликка энди киришган ҳам эдимки, мени Коченов идорасига чақиртирди.

— Сизнинг чет элга чиқишингиз мутлақо мумкин эмас, — деди Коченов қатъий қилиб. — Расмийлик юзасидан рухсатнома беришга мажбурмиз. Аммо самолёт трапига чиқмай туриб, қолиб кетасиз. Кейин эса яхши бўлмайди... Шунинг учун чет эл сафарини унутинг!

— Ахир, мен чет эллик ҳамкасбларимга жавоб ёзиб, уларнинг юртига боришимни хабар қилиб қўйганман-ку? — дедим қуюниб.

— Ҳечқиси йўқ! Узр сўраб, бирор ваз топиб, боролмаслигингизни хабар қилинг! — деди Коченов пинак бузмай, кейин чехраси бирдан очилиб кетди. — Ҳа, айтганча, сиз у ерга бирор-бир укувсизроқ, сизга фойдаси тегмаган аспирантингизни юбора қолинг. Балки, ишимизга фойдалироқ маълумотлар йиғиб келар...

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

● Ибратнома

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Ҳикоя қилишларича, ота вафот этиб, бир қопгина бугдой мерос қолибди. Ака-ука бугдойни тенг иккига бўлиб олишибди. Тунда уканинг кўзидан уйку қочиб, ўзига ўзи дебди: «Эй нодон, нима қилиб қўйдинг? Сен шу бугдойга муҳтожмисан? Сўққабаш бўлсанг, биттагина қорнингни тўйдиролмайсанми? Акангнинг болалари бор, уларга нон топиш осонми?» Шу

хаёл билан ука ўрнидан туриб, омборхонага чиқибди-да, ўзига тегишли бугдойдан аканинг хумига солиб қўйибди. Иттифоқо шу дамда аканинг кўзидан ҳам уйку қочибди, у ўзига ўзи дебди: «Эй, нодон, сен нима иш қилиб қўйдинг? Отанг сени уйлантириб, укангнинг тўйини кўрмай ўтди. Уканг энди қорин ташвишидан ташқари уйланиш ташвишини ҳам қилиши керак.

Унга инсоф қил». Ака ўрнидан туриб омборхонага чиқибди-ю, ўзига тегишли бугдойдан укасининг хумига солиб қўйибди.

Бу ҳаракат ҳар куни такрорланаверибди. Ой ўтибди, йил ўтибди, аканинг ярим хум бугдойи ҳам, уканики ҳам ҳеч тугамасмиш. Улар бу сирдан ажабланиб, донишмандга боришибди. Донишманднинг талаби билан тундаги ишларини айтиб беришибди. «Инсоф сари барака», деган ҳикматни донишманд ўшанда айтган экан.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

● Бекажон

Какаоли ёнғоқли торт



Ярим стакан ун, 1,66 стакан қанд упаси, 8 та тухум, 1,5 ош қошиқ какао қукуни, 240 гр. майдаланган ёнғоқ мағизи, ванилин.

Кремга — 1 стакандан камроқ сут, 1,5 ош қошиқ ун, ярим стакан шакар, 100 гр. сариеғ. Какаоли кремга — 100 гр. сариеғ, ярим стакан қанд упаси, 2 ош қошиқ какао ёки 100 гр. шоколад.

Тухум сариги шакар билан ванилин қўшиб, оқаргунча кўпиртирилади. Кейин какао, майдаланган ёнғоқ мағизи, қуюқ ҳолатгача кўпиртирилган тухум оқи ва ун қўшилади. Хамирни эҳтиётлик билан аралаштириб, сариеғ суртиб, ун сепилган қисмларга бўлинадиган каттароқ диаметрли қолипга қўйиб, ўрта оловда 20-25 дақиқа давомида пиширилади. Тайёр бўлган торт асосини кесиб, учта қатламга ажратиб оқ ва шоколадли ёки какаоли крем бирин-кетин суртилади. Қатламларни устма-уст қўйиб, бир оз босиб қўйлади. Тортнинг устига какаоли крем суртиб оқ крем билан безатилади. Какаоли ёки шоколадли крем тайёрлаш учун сариеғ қанд упаси билан кўпиртирилади. Какао ёки юмшатирилган шоколад қўшиб, яна обдон кўпиртирилади. Оқ крем учун шакар билан унни аралаштириб, қайноқ сут қўшиб, паст оловда қуюлгунча пиширилади. Сариеғни кўпиртириб, унга бир ош қошиқдан совутилган сутли массадан қўшиб, тинмай кўпиртирилади.

Ойшахон ЗОКИРОВА.

Бўстонлик туманидаги «Ёзувчи» дала-боғ ижод уйи аъзолари тадбиркор Тохиржон БАРАКАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТДАГИ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги хузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.